



ИНСОН ОДОБИ БИЛАН ГЎЗАЛ

Икромов Хабибулло Боқиевич

*Ўзбекистон Республикаси ИИБ Наманган академик лицей курс раҳбари
(истефодаги подполковник)*

Чубоева Гулнорохон Қувончбековна

*Наманган вилоят, Янгиқўрғон туман ИИБ ЖХХ ХПБ Хотин-қизлар
масалалари бўйича катта инспектор*

Аннотация: Мақолада инсон одоби мукамал бўлиши, бу борада тарбия муҳим омил эканлиги ҳақида ёритилган. Тарбия ва ахлоқ одоб масаласида уламолар, маърифатпарварлар, халқнинг доноибораларидан фойдаланилган.

Калит сўзлар: Тарбия, одоб, тақдир, муҳит, фалокат, истак, мутакаббир, роҳат, яшаш, дил, хирс, пок, таъмагир, яхшилик, ,озор, қадр қиммат, ҳиммат, феъл атвор, Ватан, она-юрт, ҳимоя, хиёнат қилиш, хотин-қизлар.

Инсон аввало, саломлашиш, кийиниш ва юриш-туриш одоби билан мафтункор. Бу хислатлар эса, инсонни кўркига янада кўрк қўшади.

Ҳозирги кунда сўзлашиш нутқи чиройли, ҳар қандай сўзни ўз ўрнида қўллай оладиган, сўкиш каби ёмон иллатлардан ҳоли бўлган инсонга жамият ўзгача кўз билан яъни, ҳурмат билан қарайди. Инсон дўсту-ёри билан сўзлашаётганда очиқ юзи ва тоза қалби билан саломлашиши, кийинаётганда ўнг томондан кийинишни бошлаши ва ўз динига мос равишда ибодат қилиш билан кийиниши лозим.

Айниқса, инсонни қандай кийган кийими орқали биз у ҳақидаги илк таассуротларга эга бўламиз, яъни кийиниш одоби билан атрофимиздаги воқеа – ҳодисаларга ўз муносабатимизни ифодалаймиз, шундай экан, кийинишни содда ва миллий қадриятларимиздан, шароитимиздан келиб чиққан ҳолда кийиниб турсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Демак, кийиниш ҳам инсоннинг асосий одобидир. Одобринг яна бир гўзал хусусиятлари борки, бу юриш-туриш одоби. Масалан, инсон кўча-кўйда кетаётган вақтида саломлашиши, катталар кетаётган бўлса, уларга йўл бериши, дастурхон атрофида ўтирган вақтида ўз ўрнини билиши ва катталардан олдин дастурхонга қўл узатмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганларидек, -“Нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — билимда. Чунки, барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади¹⁴».

Халқимизда бир хикматли сўз бор “**Ҳаёли, одобли бўлмак, ҳар вақт хайрли ишларга сабаб бўлур**”.

¹⁴ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://president.uz>



Инсоннинг одоби ҳар бир нарсадан муҳимроқдир. Айниқса, болага одобни ўргатадиган унинг ота-онаси ва устозидир. Шу сабабли ҳам инсон ўз одоби билан ўзининг тарбиясини кўрсатади., бошқаларга ўрнак бўлади.

Донолар демишларким **“Сен ўзингни кўрмоқ истайсанми? У ҳолда кўзгудаги ташқи қиёфанга эмас, ичингдаги кўзгуга боқ”**. Биз эса кунда неча бор кўзгуга қараймиз. Қалбимизга-чи?

Мусулмон киши қалбига эътибор бермоғи, қалбини кузатмоғи, қалбини ўнгламоғи ва турли маразлардан сақланмоғи лозим. Кимки ўз қалбини ёмон иллатлардан сақлашга эътиборсиз экан, унинг билган билмаган дардлари кўпаяди. Зеро, солиҳ амалларнинг ажри ҳам қалбга боғлиқдир. Пайғамбаримиз (с.а.в.) Огоҳ бўлинг: **“Танангизда бир парча гўшт бор. Агар у соғ бўлса, бутун жасад соғдир. Агар у бузилса, бутун жасад бузилади. Огоҳ бўлинг, у-қалбдир”** деганлар.

Хазрат Абу Хамид Ғазолий “Мукашафат ул-қулуб” (қалблар кашфиёти) китобларида дейдиларким: Балки, Аллох бир бандасига хайр ато этмоқчи бўлса, унга ўз нафсининг қусур ва айбларини кўра оладиган басийрат беради. Кимнинг басийрати ўткир бўлса, қусур ва айблари ўзига албатта кўринажак. Киши ўз айбларини билганда эса, уларни даволаш имконига эга бўлади. Лекин афсуским, инсонларнинг кўпчилиги ўз қусур ва айбларини кўрмайдилар. Аҳвол шундайки, баъзан киши бир мўмин қариндошининг кўзидаги тариқдай кирни кўради-ю, ammo ўз кўзидаги ёнғоқдай доғни кўрмайди. Кимки ўз нафсининг айбларини кўрмоқчи бўлса, тўғри басийратли киши билан дўст тутинмоғи лозим. Токи, бу дўст унинг аҳволини, хулқ ва атворларини кўз остида тутсин. Зохирий ёки ботиний хуник бир феълни кўрса унга танбех берсин.

Хазрати Умар Аллох ундан рози бўлсин, **“Менга айбларимни кўрсатувчи кимсага Аллох хайр берсин”** деб дуо қилар эканлар.

Бизларга насихат қиладиган, айб ва қусурларимизни айтадиган кишиларни энг ёмон инсонлар ўрнида кўрадиган бўлиб қолдик. Бу имонимиз заифлашганининг аломатидир. Чунки ёмон феъл-атворлар чақадиган илон ва чаёнлардир. Агар либосимиз этагига бир чаён ёпишиб, чақай деб турганида бизга биров бундан хабар берса, ундан миннатдор бўламиз ва чаённи ўлдиришга киришамиз. Бу чаённинг зарари бадангадир, берадиган азоби эса бир ёки ярим кундир.

Ёмон ахлоқнинг қалб софлигига берадиган зарари эса қўрқинчлироқдир, ўлимдан кейин эса абадийдир. Шунини биламизми? Билсак, нечун биров бизга қусур ва айбларимизни айтса, бундан севинмаймиз, бу қусур ва айбларни йўқотиш билан машғул бўлмаймиз. Аксинча, биз ҳам у кимсага қарши фикр билдирамай ва шундай деймиз:

-ўзинг ҳам шундай-шундай қиласан. Ўзингнинг ҳам шундай қусурларинг бор.



Унинг насихатини шу тариқа қабул қиламиз ва тескарисини қилиб, орада душманчилик туғилишига сабабчи бўламиз. Бу ҳол – гуноҳлар кўплиги сабаб бўлган қалб қашшоқлигидир. Буларнинг асли эса иймоннинг заифлигидадир.

Абу Хамид Ғаззолийнинг сал кам минг йил муқаддам айтган фикрлари бугунги кунга мос келиб турибди.

Кишининг тақдирини ҳали туғилмасидан илгари белгилаб қўйилади. Аммо кишининг рўпарасида икки йўлни ҳам берган: **Бири – хидоят, иккинчиси – залолат. Буни танлаш учун унга ақл, зехн ва фаросат ҳам берилган.**

Фарзандлар тарбиясига ота-она маъсул. Шундай экан ҳар доим ҳам фарзанд тарбиясига, соғлигига эътибор берамизми. Далил шуки кимни уйда моли бўлса текшириб кўради семирган ёки йил давомида бирор маротаба ҳам касал бўлмаган. Лекин фарзанди йил давомида уч маротаба касал бўлган. Бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмайди. Айрим ҳолатларда фойда келтирадиган нарсалар олдида инсоннинг зиғирчалик ҳам қадрини бўлмайди.

Барчамиз зиммамизга омонат юклатилган, имтихонда турган инсонлармиз. Биз фарзандларимиз тақдири учун хужайраларнинг энг олис нуқтасигача, вужуднинг ҳар бир заррасига қадар жавобгар бўлган кишилармиз. Ота-она ўз фарзандларига мерос этиб молу дунё эмас, одоб-ахлоқ қолдириши керак. Тарбиясиз одам жонли жасад кабидир.

Бу борада аёлларга алоҳида тарбия беришлик мақсадга мувофиқ. Чунки, ўғил болани тарбияласа, бир кишини, қизни тарбияласа жамиятни тарбиялашни Президентимиз ўз маърузаларида таъкидладилар.

Ахлоқ ва одоб масаласини биз ҳар бир жамоа меъёрларида ва корпоратив нормаларда акс эттиришимиз керак.

Луқмони Хақим ўз ўғилларига: ***“Қариндош уруғлардан алоқангни узма, ўйлаб иш тут. Одамларни ғийбатини қилма, одамлар ёмон ишга бош қўшса, сен уларга қўшилма. Шошилиб иш тутма, бойлик деб ўзингни ғам-қайғуга ташлама. Ўз қадрини билмаган одамдан яхшилик умид қилма. Ўтиришларда ўз жойингни бил, одамларнинг сўзларига қулоқ сол, одамлар сўраса гапир, ўзингдан улуғлар олдида тушиб юрма, одамлар ичида бошингни қуйи қуйи солиб ўтирма, ўнгу-чапга қарайверма, мехмонлар олдида бировга ўшқирма, мехмонга эса иш буюрма. Маст ва девона одамлар билан хамсубат бўлма. Бекорчи одамлар билан кўчада ўтирма, ўз фойдангни ўйлаб обрўйингни тўкма, ўзига бино қўювчи такаббурлардан бўлма. Хусуматдан узоқ бўл, сенга иш буюрсалар бажар, ваъда қилсанг албатта урдасидан чиқ, ҳеч кимни ранжитма.”***

Хиндистонлик донишманд ўғлига: ***“Азиз ўғлим, қўлингга кирмаган ёки қўлингдан кетган нарса учун қайғурма, ҳар ерда куракда турмайдиган беҳуда сўзлар сўзлаб юришдан йироқ бўл. Нокас, қурумсоқ кишидан қарздор бўлма. У билан асло муомала қилма, кейин пушаймон қиласан. Шарми-хаёсиз ва бахил киши билан субатдош бўлма, шундай ярамас одамлар***



билан қўшни бўлмасликка ҳаракат қил. Ўз кучинг орқасидан нон топиб егин, текинхўрликка ўрганма, олийжаноб мард одамлар билан сухбатдош бўлсанг, яхшилик билан ном чиқарасан. Мақтанчоқ ва эзма одамлардан хазар қил.”

Бошқа бир донишманд эса: *“Фалокатга дучор бўлишни истамасанг мағрур ва мутакаббир бўлма. Роҳатда яшашни истасанг дилингни хирсдан пок қил. Хору зорликни истамасанг таъмагир бўлма, ўзингга яхшилик қилинишини истасанг яхшилик қил, ҳеч кимга озор берма, яхшиликни улуғ иш деб бил. Қадр қимматинг ошишини истасанг-баланд химматли бўл. Ўзингни ҳаммага севдиришни истасанг-феъл атворингни тузат, одобли тарбияли бўл”.*

Ривоят қилишларича хизматчи подшоҳга бошқа бир хизматчини ёмонлади. Шунда подшоҳ “гапларингни текшираман, агар тўғри сўзлаган бўлсанг, чақимчилигинг учун сендан нафратланаман, сени душманим деб биламан. Ёлғон сўзлаган бўлсанг тухматчилигинг учун жазолайман деди” шу хизматчини ҳолига тушиб қолишдан Аллоҳ асрасин.

Инсон ўзини ўзи тарбия қилишда бир муҳим қийинчилик бор. Уни **“Муҳит”** дейлади. Кишининг атрофида қандай муҳит бор? Имонлилар яхшилар бўлса бунда тарбия жараёни енгилроқ кечади. Залолатдагилар бўлса оғир бўлади. Киши атрофини ақл кўзи билан кузатиб, ёмон даврларини тарк этишга жазм этмоғи шарт. Ботқоқда туриб ювиниб, покланишга уринишдан наф бўлмайди.

Алишер Навоий хазратлари **“қобилиятли кишига берилган тарбия гавҳар кабидур. Гавҳар најосатга тушса ҳам ювилса тозаланади, қийматини йўқотмайди. Ит узум май билан суғорилса ҳам ҳеч замон токка айланмайди”** деганлар.

Ватанни она-юртни химоя қиладиган харбий одамнинг тарбияси дуруст бўлмаса ватанига хиёнат қилишдан ҳам қайтмайди. Порахўр-судхўр мол-дунё эвазига юртини бошқалар қўлига мустамлака қилиб беришдан ҳам тортмайди.

Хазрат Алишер Навоий **“Телба қулоғига панд-қуюн оёғига банд”** яъниким, нодонга насихат қилганнинг-бўроннинг оёғини кишанлашга уринишдир деганлар.

Бир ривоятни келтирсак - Қуёш ботиб изғирин маймунлар тўдасига хужум қила бошлади. Бечора маймунлар совуқдан титрар ва исиниш учун чора ахтарар эдилар. Улар ногоҳ ялтироқ қуртни кўриб қолдилар. Уни чўғ деб ўйлаб, ўтин йиғиб атрофига ташладилар ва хадеб пуфлайвердилар. Дарахт тепасидаги қуш уларни бу нодонликларидан кулиб, “бу олов эмас, кечалари ялтираб кўринадиган қурт” деса ҳам эътибор бермай пуфлайвердилар. Шу аснода ўткинчи бир одам аҳволни кўрди ва қушга қараб: “Ўзингни кўп койитма, улар сенинг сўзингга қулоқ соладиганлардан эмас, насихат қилиш бефойдадир” деди. Қушнинг нодонлиги маймунларникидан қолишмас эди. У одамнинг насихатига



қулоқ солмай маймунларнинг хатосини тушинтириш учун дарахтдан тушиб, улар ёнига келди. Маймунлар эса уни ўраб олиб бошини узиб ташладилар.

Аллох бизларни мусулмон ҳолда, мусулмон бир ўлкада, мусулмон ота-онадан улуғ бир неъмат ичида дунёга келтирган. Бу неъматнинг қадрини, қийматини билишни, мукамал комил инсон бўлишни насиб этсин. Тарбия берувчи-тарбиячилардан ҳам, тарбияни қабул қилиб, унга амал қилувчилардан ҳам Аллох рози бўлсин.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://president.uz>
- 2.Абу Хомид Ғаззолий “Қабнинг давоси” китоби.
- 3.Абу Хомид Ғаззолий “Саодатга элтувчи йўл” китоби.
- 4.Тохир Маликнинг “Одабийлик мулки” китоби.
- 5.Ozodaxon, Chuboyeva. "YOSHLARNING HUQUQIY ONG VA HUQUQIY MADANIYATINI OSHIRISH." *INNOVATIVE DEVELOPMENTS AND RESEARCH IN EDUCATION* 1.11 (2022): 17-21.
- 6.Chuboyeva, O., and T. Abdug'aniyev. "KORPORATIV NORMA NAZARIYASI." *INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CONFERENCE*. Vol. 1. No. 8. 2022.
- 7.Ozodaxon, Chuboyeva, and Abdullayev Dilshod. "INSON ERKINLIGI HUQUQIY ASOSI-KONSTITUTSIYA." *THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY* 1.3 (2022): 47-50